БЕШИКНИ АВТОМАТ ТЕБРАТАДИ

Шаҳрисабз туманидаги Янги ҳаёт номли 9 - ўрта мактаб ўқитувчиси кашф қилган бешик тебратувчи автомат мосламаси туман марказидаги болалар шифохонасида ўтказилган танловда ғолиб чиқди. 12 вольтли электр қуввати билан ишловчи бу мослама безарар ва хавфсиздир. Автомат бешикни оҳиста тебратиб, чақалоқни ухлатади. Бола кўп безовта бўлиб, йиғлаб қолгудек бўлса, мослама махсус овоз орқали онани ёрдамга чақиради.

Илҳом КАРОМОВ.

БАНГЛАДЕШ ТОВАРЛАРИ

Бугун "Ўзэкспомарказ"да Бангладеш Халқ Республикаси маҳсулотлари савдо кўргазмаси очилади.

—Мамлакатларимиз ўртасида тарихий алоқалар мавжуд, — дейди Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб С.К. Шарджил Ҳассан. — Ўйлаймизки, илк бор ўтказилаётган ушбу кўргазма ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун янги омил бахш этади.

Алишер РЎЗИЕВ.

93 ТА БЕПУЛ МАШИНА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмаси асосида республика Молия вазирлиги Тошкент вилоятининг "Тез тиббий ёрдам" марказлари учун 93 та енгил автомашина ажратди. Машиналар Бекобод, Бўка, Чиноз, Янгийўл сингари туманларга тарқатиляпти.

Соҳибжон САЛИМОВ.

МАҲСУЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Ўзбекистон туманидаги Имомали Назаров раҳбарлик қилаётган "Умид" шахсий фермер хўжалигида ҳар бош сигирдан ўтган йили 3800-4000 литрдан сут соғиб олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 4,5 минг литрга етказиш кўзда тутиляпти. Шунингдек, фермер тумандаги шифохоналар, болалар боғчалари, ташкилотлар ва аҳолини арзон сут, қатиқ, қаймоқ ва гўшт билан узлуксиз таъминламоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ СОВРИНЛАРИ

Тошкентда ўтадиган XII халқаро кинофестиваль ташкилий қўмитасидан маълум қилишларича, юксак ғояли энг яхши фильм учун "Олтин семурғ" мукофоти белгиланди. Ғолибга 10 минг доллар мукофот ҳам берилади. Энг яхши аёл роли учун "Олтин лола", энг яхши эркак роли учун "Олтин арча" мукофоти ва унинг ғолибларига 5 минг доллардан белгиланган. Миллий анъаналар юксак бадиий даражада акс эттирилганлиги учун "Кумуш семурғ" мукофоти ва 2 минг доллар тайинланган.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 15 май, пайшанба № 56 (22.140).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЁШЛАРИ БИЛИМДОН ЮРТ БАДАВЛАТДИР

ФАРҒОНА. *«Ёшлари билимдон юрт бадавлатдир» шиори остида вилоят ўқувчи ва талаба ижодкорлари анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда 200 нафардан ортиқ ёш хонанда, раққоса, созанда, ҳунарманд ва мусаввирлар иштирок этди. Ғолибларга махсус йиллик стипендиялари берилди. Ўтган йили бўлиб ўтган кўрик-танлов натижасига кўра 21 нафар ғолиб вилоятдаги олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинган эди.*

(Ўз мухбиримиз).

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13-14 май кунлари Туркманистон пойтахти — Ашгабадда ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этиб қайтди.

Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Озарбойжон, шунингдек, Ислом тараққиёт банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси (ЮНКТАД) каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу олий даражадаги учрашув самимий руҳда бошланди. Кун тартибига биноан, аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари сўзга чиқдилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов сўзлаган нутқ барчада катта таассурот уйғотди. Зеро, Президентимиз йиғин иштирокчилари диққат-эътиборини энг долзарб масалаларга қаратди. Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти ва бугунги кундаги юксак мавқеи ҳақида гапирар экан, аввало, ЭКОнинг сиёсий ташкилот эмаслиги ва унга сиёсий тус беришга интилаётганлар фақатгина ўртадаги ришталарга раҳна солиши мумкинлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Президент минтақада барқарорлик тўлиқ таъминланмас экан, ЭКО фаолияти самарали натижалар бермаслигини ҳам алоҳида қайд этди.

СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

14 май куни Туркманистон мажлиси биносида ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви давом этди. Унда минтақада транспорт коммуникацияси тармоқларини жаҳон андозалари даражасида қайта таъмирлаш, Европа, Шарқий ва Жанубий Осиё,Узоқ Шарққа нефть ва газ етказиб берувчи қувурлар барпо этиш, шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида экология, савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Анжуманда мазкур муаммоларга ойдинлик киритишда ҳамда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Ашгабад декларацияси қабул қилинди. Хусусан, минтақа мамлакатларидаги нефть ва газни жаҳон бозорига олиб чиқиш зарурати пайдо бўлгани таъкидланиб, Қозоғистон — Ўзбекистон — Туркманистон — Афғонистон — Покистон, Марказий Осиё — Форс кўрфази йўналишларида нефть қувурларини қуриш ҳамда Туркманистон — Эрон — Туркия — Европа, Ўзбекистон — Туркманистон — Афғонистон — Покистон йўналишларида газ қувурини барпо этиш бўйича минтақалараро консорциумлар ташкил этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Маълумки, ЭКО мамлакатлари салмоқли иқтисодий салоҳиятга эга. Бироқ, уларни жаҳон бозорида ўзига муносиб ўрин эгаллашига айрим

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли раис жаноблари!

Ҳурматли бош котиб жаноблари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат бошлиқлари!

Бу учрашувнинг мақсади минтақанинг энг муҳим иқтисодий муаммолари, авваламбор, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни муҳокама этишдан иборат. Тушунарлики, бу каби ўта муҳим муаммоларни ҳал қилмасдан туриб мамлакатларимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига янги туртки бериб бўлмайди.

Бугун ЭКО минтақанинг кенг кўламли иқтисодий, авваламбор, коммуникация дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишнинг янги босқичига кўтарилмоқда. ЭКО фаолияти ҳамкорликнинг савдо, транспорт, алоқа каби энг муҳим йўналишларида тобора мужассамлашмоқда. Аммо бу ҳол, менинг назаримда, ижтимоий муаммоларга, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш заруратини истисно этмайди.

Биз ҳамиша ЭКОни савдо-иқтисодий ташкилот деб биз ганмиз ва ҳозир ҳам шундай деб биламиз. Бу халқаро ташкилотга сиёсий тус беришга қаратилган ҳар қандай уринишлар, иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик руҳи ва муҳитига фақат зиён етказиши мумкин.

Яна бир марта таъкидлаб ўтмоқчиманки, бизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, муносабатларимизда инсоний ва демократик қадриятлар ўлчовлари даражасини юксалтиришга қаратилган умумий интилишимиз минтақамиз изчил ва барқарор ривожланишининг энг муҳим шартларидан биридир.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, иқтисодий интеграция минтақавий доирада чекланиб қолмасдан, ЭКОнинг ҳар бир иштирокчи давлати учун дунёнинг бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар ҳамда икки томонлама муносабатлар ўрнатиш

(Давоми 2-бетда).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Германия Федерал Президенти Роман Херцог беш кунлик ташриф билан АҚШга жўнаб кетди. 15 май куни у Нью-Йоркда «1997 йил Европа сиёсатчиси» мукофотини топшириш маросимида қатнашади.*

Маълумки, Германия Федерал Президенти Р. Херцог ва Чехия Президенти В. Гавел «1997 йил Европа сиёсатчиси» мукофоти билан тақдирланган эди.

***

☑ *Нидерландия ҳукумати Эронда юз берган кучли зилзила натижасида ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам тариқасида 300 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.*

***

☑ *20 май куни Теҳронда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан Тожикистондаги мухолифатчилар раҳбари Абдулло Нурий ўртасида навбатдаги музокаралар бошланади. БМТ Бош котиби вакили Хуан Карлос Брандтнинг маълум қилишича, мазкур музокараларда муҳокама этиладиган масалалардан бири — ҳукумат томонидан асирга олинган мухолифат вакилларини озод қилиш ишлари кўрилади.*

***

☑ *Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе уч кунлик расмий ташриф билан Италияга жўнаб кетди. Ташриф чоғида Э. Шеварднадзе Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаро билан учрашади. Шунингдек, у мамлакат Бош вазири, ташқи ишлар вазири, парламент вакиллари билан ҳам музокаралар олиб боради. Музокаралар давомида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш борасида 15 та ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.*

***

☑ *Руминияга расмий ташриф билан келган Жаҳон банки президенти Жеймс Волфенсон бу ерда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлади. Мамлакат оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, Жаҳон банки қишлоқ хўжалигини ҳамда саноат корхоналарини ривожлантириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишлари учун Руминияга 625 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит беришга қарор қилди.*

«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМПИЯ ҲАРАКАТЛАРИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН»

Эътироф

Шу кунларда пойтахтимизда Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ меҳмон бўлиб турибди. Республика миллий олимпия қўмитаси президенти С. Рўзиевнинг таъкидлашича, Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ Ўзбекистонда олимпия ҳаракати, умуман спортни ҳар томонлама ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни ўрганиш мақсадида ташриф буюрган. Меҳмон республика Бош вазири ўринбосари А. Азизхўжаев билан учрашув чоғида ҳам Осиё Олимпия Кенгаши билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносиб йўлга қўйилганлигини эътироф этди.

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида уюштирилган матбуот конференциясида эса Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бера туриб, Ўзбекистонда барқарорлик ва Олимпия ҳаракатларини яхши йўлга қўйилганлиги 2006 йилда Тошкентда Осиё ўйинларини ташкил этишга имкон бериши мумкин, деган фикрни айтди. Шунингдек, у юртбошимиз Халқаро Олимпия қўмитасининг олтин нишонига сазовор бўлгани ҳақида сўзлаб, спортга меҳр қўйган, унинг ривожланишига раҳнамолик қилаётган Ўзбекистон Президенти И. Каримов Осиё Олимпия Кенгашининг олтин нишонига ҳам муносиб давлат арбобидир, — деди.

Нуфузли меҳмон сафар давомида республика Миллий Олимпия қўмитаси, спорт иншоотлари, Олимпия шоншуҳрати музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда республика мусулмонлари диний бошқармасини зиёрат қилиб, Самарқандда бўлди.

ТОШКЕНТДА «ЎзДЭУ БАНКИ» ОЧИЛДИ

Хушхабар

Муаззам Тошкентнинг қоқ марказидаги Амир Темур майдонидан бошланадиган Пушкин кўчасидаги 1-уй. Уч қаватли ғиштин бино ўзгача чирой очган. Кеча у гўё тўйхонага айланиб кетди.

Бу ерда «ЎзДЭУ банки»нинг тақдимот маросимини ўтказишга муносиб тайёргарлик кўрилди. Карнай ва сурнайларнинг тантанали садоси бутун борлиқни янгратмоқда. Кўркам бино қисқа муддатда молиячилар қулай ишлаши учун мослаштирилди. Унинг ҳамма қаватларидаги қўша-қўша хоналарда замонавий ускуналар ишга шай этилди.

Бинонинг катта операциялар залида жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари: Тошкент, Лондон, Москва, Сеул, Нью-Йоркда вақт қанча бўлганлигини кўрсатиб турувчи қўша-қўша соатлар чиқиллаб ишлаб турибди. Демак, банк мутахассислари операцияларни бажаришда ана шу соат милларига қараб жаҳоннинг жуда кўп шаҳарларидаги ҳамкасблари билан ҳам муносабатда бўлиб турадилар.

—«ЎзДЭУ банки» олдига қўйилган асосий мақсад — мустақил Ўзбекистонимизда Корея Республикаси билан ҳамкорликда ишлаб турган қўшма корхоналарнинг фаолиятини пул маблағлари билан таъминлаш, шу соҳага алоқадор бўлган ташкилотлар ва мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатишдан иборат, — дейди мазкур банк вице-президенти Зафар Умаров. Шунинг учун ҳам унинг бирдан бир шиори «Банк мижозлар хизматида» деб юритилади.

Тақдимот маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқалар табрик нутқи сўзладилар. Шундан кейин меҳмонлар банк ходимларининг иш юритиш фаолияти билан танишдилар.

Абдулла ҲОЖИАКБАРОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

МЕН СЕНГА, СЕН МЕНГА ТЕГМА

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ишнинг кўзини биладиган фермерларимиз мамлакат дастурхонининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига сероб бўлишига ўз улушларини қўшяптилар. Аммо, айрим фермерлар борки, улар келди замон, сур даврон, қабилида чўнтак қаппайтириш пайида бўлаётирлар.

Ғиждувон туманида ҳам 127 та фермер хўжалиги тузилганди. Бултур турли сабаблар билан улардан 24 таси ўз фаолиятини тўхтатди. Айримларига ёрдам берилмади. Баъзилари эса ғирромлик гирдобига тушдилар.

Тумандаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Шоҳруд» деҳқон-фермер хўжалиги туман ҳокимининг 1994 йил 16 май 236-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Фермер хўжалиги ўз низомига кўра, чорва ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириши лозим. Афсуски, орадан қарийб икки ярим йил ўтдию маҳсулотдан дарак йўқ. «Шоҳруд» раҳбари Жаҳон Файзиев низом талабларини четлаб ўтиб, олди-сотди билан шуғулланишни маъқул билди. У сохта ҳужжатлар тузиш ва ундан фойдаланиш йўлига ўтиб олади.

Шу усул билан 1995-1996 йиллар давомида турмуш ўртоғи Назира Файзиева номига ишонч хатлари ёзиб, ўзи имзо қўйиб «Бухородон» ҳиссадорлик жамиятидан 33 ҳолатда ҳаммаси бўлиб 239000 килограмм (707287 сўмлик) омухта ем олади. Бу ҳақдаги қайдномаларга ҳам хотини ўрнига ўзи имзо чекиб, фермер хўжалигига кирим қилмасдан, 20 фоиз устама қўйган ҳолда дуч келган фуқарога нақд пулга сотаверган. Сотувдан тушган пулларни хўжалик хазинасига кирим қилмай, банкка топширмай, «Бухородон» ҳиссадорлик жамиятига тегишли қарзни тўламай юраверган.

Бундан ташқари, у хўжалик даромадларини атайлаб яшириб, уларни ҳисоботларда кўрсатмаган: ҳаммаси 315 минг сўм! Шундан бюджетга 108,5 минг сўм тўланиши керак эди. Хуллас, ҳозирги пайтда солиқ тўловларини тўламаганлиги учун молиявий жарима 663100 сўмни ташкил этади. Ушбу иш бўйича Ж.Файзиевга туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари, 184-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ҳамда мазкур хўжаликни банкрот деб топиш тўғрисида даъво аризаси вилоят прокуратурасига юборилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: туман давлат солиқ инспекцияси (бошлиғи Ҳ. Раупов) дагиларнинг кўзи қаёқда эди? Ахир улар фермер хўжаликларида хазина тўлови, солиқ интизоми бўйича текширишлар ўтказиб туришмайдими? Шундай хулосага келиш мумкинки, агар солиқчилар томонидан юқорида зикр этилган фермер хўжалигида вақти-вақти билан текшириш ўтказилганда эди бундай қонунбузарлик бўлмасди?

Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалигида жойлашган «Тарханон» кичик корхонасида ҳам 1995-1996 йиллар якуни бўйича солиқ қонунларига риоя этилиши умуман текширилмаган. Корхона тугатилиши муносабати билан текшириш ўтказилганда 1995 йил корхона даромад солиғи бўйича 3900 сўм қўшимча солиқ, 2400 сўм ўн фоизли молиявий жарима, 3000 сўм 2 фоизли жарима тўлаши аён бўлди.

Тумандаги «Навбаҳор» хусусий фирмаси 1995 йилнинг 6 ноябридан фаолият кўрсата бошлаган. Шу йил январь ойининг охирига қадар бу ерга туман давлат солиқ инспекцияси томонидан бир марта ҳам текширувчи келмаган. «Мен сенга, сен менга тегма» қабилидаги муносабатдан фойдаланган «навбаҳор»чилар бюджетга 10292 сўм тўлашдан силлиқкина қутилганлар.

Туман давлат солиқ инспекциясидаги бундай бепарволик, масъулиятсизликка чек қўйилмас экан, корхона, фермер хўжаликларида даромадни яшириш, ҳисоботларни вақтида бермаслик, тўлов интизомини бузиш каби қонунбузарликлар давом этавериши тайин.

Мирза НУРМАТОВ,
Ғиждувон туман прокурорининг катта ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси,
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жуғрофий омиллар ва минтақада коммуникация тармоқларининг етарли даражада ривож топмагани тўсқинлик қилиб турибди. Шу боис, қабул қилинган декларацияда ЭКОга аъзо мамлакатлар транспорт ва коммуникация тармоқларининг ўн йиллик фаолият дастури тасдиқланди. Темир йўл техникасини бир андоза асосида мувофиқлаштириш, нарх-наво сиёсатини ҳам ўзаро келишилган ҳолда белгилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун аъзо мамлакатларда мутахассислар гуруҳини ташкил этишга келишиб олинди.

Анжуман кун тартибидан жой олган яна бир муҳим масала Марказий Осиё давлатлари ва Озарбойжонни Форс кўрфази ҳамда Туркиядаги портлар билан боғловчи Тежан — Сарахс — Машҳад темир йўлини очиш тўғрисидаги музокаралар бўлди. ЭКОга аъзо мамлакатлар транспорт вазирларининг шу йил декабрь ойида Ашгабадда бўладиган кенгашида ана шу алоқа тармоғи билан бир қаторда, минтақадаги бошқа темир йўл ва автомобиль йўлларини таъмирлаш, янги йўллар қуриш бўйича тегишли лойиҳалар ишлаб чиқиш масалалари тўлиқ муҳокама этилиб тасдиқланди.

Таъкидлаш жоизки, ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг мазкур учрашуви минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш, қолаверса, тинчлик ва барқарорликнинг таъминланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, унда умумий қиймати тахминан 40—50 миллиард АҚШ доллари миқдорида белгиланаётган лойиҳаларнинг амалга ошиш жараёнига асос солинди. Куни келиб, ЭКО мамлакатлари учун Японияндан Ғарбий Европагача бўлган ҳудуд, демакки, йирик бозорлар эшиги кенг очилади. ЭКО мамлакатлари Ғарбий Европа билан Шарқий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақасини боғлайдиган муҳташам транспорт коммуникациясига эга бўлади ва дунёдаги йирик интеграциялашган ҳудудга айланади.

Олий даражадаги учрашув чоғида ЭКО мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашувини 1998 йили Қозоғистон пойтахти — Алматида ўтказишга келишиб олинди. Шу билан Ашгабадда ўтказилган олий даражадаги учрашув ўз ниҳоясига етди.

Саммит якунида ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда ЭКОнинг истиқболига бевосита боғлиқ бўлган минтақавий хавфсизлик масалаларига кенг ўрин берилди. Жумладан, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари Афғонистондаги сиёсий танглик ҳақида гапириб, бу муаммони тинч йўл билан бартараф этиш лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Президентимиз Ашгабад сафари давомида бир неча давлатлар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ҳам ўтказди. Жумладан, Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Покистон Бош вазири Навоз Шариф билан бўлган мулоқотларда томонларни қизиқтирувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

14 май куни Ашгабад аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кузатиш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ашгабаддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида юртимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент —Ашгабад — Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва ривожлантириш, уларни ўз сиёсий ва иқтисодий мақсадларига эришишга йўналтириш ҳуқуқини кафолатлаши зарур.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

ЭКОнинг бундан кейинги фаолияти учун, бизнинг назаримизда, принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи масалаларга эътиборингизни қаратишга ижозат бергайсизлар.

Ташкилотга янги аъзо бўлган давлатлар унинг тўла ҳуқуқли иштирокчиларидир. Уларнинг ҳар бири ўз табиий ресурслари, интеллектуал қудрати, технологик имкониятларига эга. Шунинг учун уларга фақат маҳсулот сотиладиган бозор тариқасида қарашга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

ЭКОга аъзо бўлган ҳар бир давлат, бу ташкилотга кирган вақтидан ва ўзининг иқтисодий ривожи даражасидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли шерик ва тўла ҳуқуқли иштирокчи эканлигидан келиб чиқиш зарур. Ва бу ерда пешқадам ва ортда қолганларга ажратишга ўрин бўлмаслиги керак. **Бу — биринчидан.**

Иккинчидан. Бундан мантиқан ЭКО фаолиятининг амалий йўналишларини кучайтириш, унга янада тайинлироқ ва аниқроқ мўлжаллар белгилаб бериш зарурати пайдо бўлади.

ЭКО котибиятининг учрашувлар тартиб-қоидаларини пухтароқ ишлаб чиқиши, кун тартибида белгиланган муаммолар доирасидан чиқиб кетиш ва ЭКО минбаридан популистик ва тор сиёсий масалаларни ҳал этиш учун фойдаланишга йўл қўймаслик бунинг муҳим шарти бўлиши керак. Булар эса ЭКО котибияти ва бошқа органларининг тайёргарлик ишига алоҳида масъулият юклайди.

Учинчидан. ЭКО турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга давлатларни бирлаштирган ташкилот эканини ҳисобга олиш керак. Уларнинг манфаатлари ҳар доим бир-бирига мос келиши мумкинми ё йўқ, албатта, ва бу табиий ҳолдир. Бу ерда у ёки бу долзарб масала бўйича ўз нуқтаи-назарини зўрлаб ўтказиш учун уриниш ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди. Айни замонда давлат тузумининг ижтимоий-сиёсий тарзидаги тафовутлар фақат ўзаро иқтисодий манфаатларга асосланган муносабатларимиз йўлида тўсиқ бўлмаслиги керак.

Тўртинчи масала бевосита ҳозирги учрашувнинг мавзусига тегишлидир. Транспорт йўналишларининг айрим бўлаклари ҳозирданоқ ишга тушгани таҳсинга лойиқ. Биз уларнинг жанубий портларга йўл очиб бераётган ва ЭКОга аъзо мамлакатларнинг транспорт тармоқларини кенгайтираётган йўналишларига муҳим аҳамият берамиз.

Шуни мамнуният билан эслатиб ўтмоқчиманки, Шанхайдан Парижгача бўлган улкан қитъалараро трасса қуриш ғоясини амалга ошириш доирасида апрель ойининг охирида Тошкентда, кейин эса Бишкекда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иштирокида эътиборли халқаро кенгаш ўтказилди, унинг натижалари минтақамизнинг кўпгина манфаатдор мамлакатларигина эмас, балки бу ҳудуддан узоқ бўлган мамлакатлар тарафидан ҳам мамнуният билан қабул қилинди.

Бешинчидан. ЭКО доирасидаги иқтисодий интеграция жараёни минтақанинг «оловли нуқталари» муаммоларини четлаб ўтолмайди. Мен Афғонистон ва Тожикистонни назарда тутяпман. Токи қўшниларимиз ҳудудида беқарор вазият сақланиб турар экан, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ётқизилаётган темир йўл шахобчалари ёки қурилаётган катта автомобиль йўлларидан самоқли натижалар кутиш мумкинми?

Биз бу мамлакатлардаги аҳволни яхшилаш учун уларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашишни тўхтатиш, уларга иқтисодий ўсишнинг аниқ лойиҳаларини таклиф қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида сўз юритар эканмиз, энг ижобий ютуқлар қўлга киритилган тақдирда ҳам кескинлашишга мойил муаммолар мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Бунда мен наркотик моддалар ишлаб чиқариш муаммоси ва уларнинг янги транспорт йўналишлари орқали тарқатилиши хавфини назарда тутяпман. Биз бу масалани алоҳида муҳокама қилишимиз зарур.

Ўзбекистон ЭКО ташкилоти таркибида наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича махсус мувофиқлаштириш органи ташкил этилганини маъқуллайди. Бундан ташқари, ЭКО доирасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг янги, янада таъсирчан шаклларини назарда тутган аниқ мақсадга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш лозим.

Еттинчидан. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик мазкур дастурнинг таркибий қисми бўлиши мумкин ва бўлиши ҳам керак. Нима учун бунга биз долзарб масала сифатида қараяпмиз? Энг аввало, шунинг учун ҳамки, ЭКОга кирган мамлакатларнинг деярли барчаси инсон организмига салбий таъсир қилаётган жиддий экологик муаммоларни бошидан кечирмоқдалар. Мисол учун Орол денгизи фожиасини олайлик. Ўз жамиятларимизни биргаликда иқтисодий жиҳатдан йўлга солишга киришар эканмиз, мазкур принципиал ва муҳим ижтимоий масалани эътибордан соқит қилишимиз мумкинми?

Ва ниҳоят. ЭКО фаолиятининг мақсади ва мазмунидан мантиқан келиб чиққан ҳолда, халқларимизнинг кенг қўламдаги маданий ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятлари масаласини кун тартибига қўйиш лозим.

Мен аминманки, мазкур принципиал жиҳатларни атрофлича инобатга олмасдан туриб, белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида шерикчилик қилишнинг имкони йўқдир.

Энди қабул қилишимиз керак бўлган баёнот матни тўғрисида.

Матнда транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича қимматли таклифлар етарли даражада ўз аксини топган. Буни маъқуллаш керак. Шу билан бирга, ҳар қандай лойиҳа тегишли техникавий-иқтисодий жиҳатдан асослашни, зарур молиявий ресурсларни, инфраструктуралар яратилишини талаб қилади. Бу таклифларни амалга оширишга қайси манбалардан қандай харажатлар ва ресурслар сарф қилинишини аниқ тушуниб етиш керак. Уларни рўёбга чиқариш учун биринчи навбатда қандай чоралар кўриш лозим?

Шу муносабат билан қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман. Дастурда назарда тутилган темир йўл, автомобиль ва бошқа давлатлараро ҳамда давлатлар ичидаги коммуникацияларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган сармояларнинг энг дастлабки ва хомаки ҳисоб-китоби тахминан 40-50 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу харажатларни биринчи навбатда мазкур коммуникациялар ҳудудидан ўтадиган давлатларнинг ўз ресурслари ташкил қилади.

Бу манбаларни қаердан ва қандай қилиб топиш мумкин?

Бу оддий масала эмас ва биз ҳозирнинг ўзидаёқ бу масаланинг реал ҳаётда қандай ечилишини аниқ билишимиз керак.

Худди шунинг учун ҳам, қўшма лойиҳа ва биргаликдаги ҳаракатларга тааллуқли ҳар қандай масала, албатта, тегишли миллий ва халқаро ташкилотларда экспертлар таҳлили ва синовидан ўтказилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли давлат бошлиқлари!

Аминманки, ЭКОга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама амалий ҳамкорлик халқларимизнинг фаровонлигига, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ва тинчлик, барқарорлик ва равнақ йўлида янада яқинлашишга кўмаклашади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ҳозир мамлакатимиздаги қайсики корхонада тадбиркорлик билан иш юритилаётган бўлса, ўша ерда муваффақиятга эришилмоқда. Хўш, бугунги кунда фойда билан ишлаётган, рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтираётган гўштни қайта ишлаш корхоналари қандай қилиб ижобий натижаларни қўлга киритишаётир? Ана шу саволга жавоб топиш ниятида «Наманганғўшт» вилоят ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишдик.

ЎНГЛАНИШ

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, ишчи-ходимларнинг мулкка, меҳнатга бўлган муносабати кескин ўзгариб, йилдан-йилга моддий манфаатдорлик орта борди, мумайгина дивидендлар олина бошланди. Жамият аъзолари маслаҳатлашиб ўзларининг бўш маблағларини ҳам корхона ривожига сарфлашга аҳд қилишди. 1995 йилда 50 нафар киши уюшиб тўплаган 180 минг сўмга аҳолидан 120 бош қорамол сотиб олинди. Шундан 88 боши суйилиб қайта ишланди. Шу тариқа корхона тизимида «Комиссионгўштсавдохарид» уюшмаси вужудга келди. Уюшма 1996 йилда тирик вазнда 150 тонна гўшт тайёрлади. 12 миллион сўмликдан ортиқ гўшт ва гўшт маҳсулотлари сотилди. Ҳозирга келиб уюшма аъзоларининг юқорида айтилган 180 минг сўм пуллари 2,5 миллион сўмга айланди. Кўриниб турибдики, моддий манфаатдорлик ортди, қўшимча иш ўринлари яратилди. Бу корхонадаги изланишларнинг бир кўриниши, холос.

Колбаса тайёрлаш сердаромад соҳа эканлиги маълум. Шу билан бирга чўчқа ёғисиз колбаса қилиб бўлмайди, деган гап ҳам бор. Эътиборли жойи шундаки, корхонада ана шундай ёғ ишлатмай ҳам аъло сифатли колбасалар тайёрланмоқда.

Корхона раҳбари Аюбхон Собиров бу ҳақда тўлқинланиб гапирди: иссиқ кабоб совуғандан кейин қанчалик мазасини йўқотса, мол, қўй, эчки ёғи қўшилган колбаса ҳам шунчалик мазасиз бўларкан, яъни ёғ тўнглаб қоларкан. Шунинг учун колбасачиликда бошқа ҳайвон ёғларига нисбатан анча паст ҳароратда эрийдиган чўчқа ёғидан фойдаланиб келинган. Бизнинг шароитимизда боқилган чўчқанинг ёғи талабга жавоб бермайди. Шимолий давлатлардан бундай ёғ келтириш эса қимматга тушади.

Муаммо ечими Австрияга қилинган сафар чоғида топилди. Аюбхон ака Венада дўкондор сотаётган колбаса таркиби билан қизиқди. Маълум бўлишича, маҳсулот зайтун ёғи ёрдамида тайёрланган экан.

Ана шундан кейин ишлар юришиб кетди. Корхонага керакли миқдорда зайтун ёғи келтирилди. Ҳозирги кунда 30дан ортиқ турда сифатли колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонадаги энг муҳим иш шу бўлдики, ишлаб чиқариш линиялари янгиланди, Австриядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Чиқитсиз технология йўлга қўйилди. Чорва молларининг шохи, суяги, қони қайта ишланиб, паррандачилик учун туйимли озуқа тайёрланиб, қўшимча даромад олинмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотни харидор қўлига ортиқча савдо устамаларисиз етказиш ҳам долзарб вазифа. Ана шундан келиб чиқиб «Наманганғўшт» ҳиссадорлик жамияти тизимида мустақил фаолият кўрсатувчи «Садо» комиссион савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашманинг 20 дан ортиқ дўконларида корхона маҳсулотлари сотилмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятида харажатларни камайтириш йўлида яна бир тадбир амалга оширилди. Қурилиш ишлари билан шуғулланувчи кичик корхона ташкил этилди. Бу билан яна 40 та янги иш ўринлари яратилди. Биз юқорида айтган молхонани ҳам ушбу кичик корхона қурувчилари бунёд этишди. Ҳозир унинг ёнида яна 200 бошга мўлжалланган молхона қурилмоқда.

Ислоҳот ва манфаат

Жамиятда ижтимоий ҳимояга ҳам катта эътибор қаратилган. Гўшт тайёрлов корхоналарида паст ҳароратда ишлаш, ҳайвон сўйиш билан боғлиқ касб касалликлари учраши сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, 1994 йилда жамиятнинг тиббий санитария қисми ташкил этилди. «Чорвадорлар шифохонаси» деб номланган мазкур саломатлик масканида гўшт тайёрловчилардан ташқари вилоятдаги барча чорвадорлар саломатликларини тиклашади.

Жамият ўтган йилни 8300000 сўм соф фойда билан якунлади. Жорий йилда бу рақам янада самоқли бўлиши кутилмоқда.

Юқоридагилардан корхонада ҳамма ишлар жойида, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Тузилган шартномаларнинг тўла бажарилмагани оқибатида ўтган йили корхона тўла қувват билан ишлай олмади. Лекин бу ҳолат бу йилда ўнгланиш сари юз тутган.

Хуллас жамият аъзолари иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга ошириш йўлидан бориб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқдалар.

Турғунбек МАҲКАМОВ.
Ҳакимжон СОДИҚОВ.

СУРАТЛАРДА:
(юқорида) корхона раҳбари Аюбхон Собиров корхонанинг соғломлаштириш масканига «Дамас» автомашинаси калитини топширмоқда. Колбаса цехида (пастдаги сурат).

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ҚЎЛТИҚ ОСТИДАГИ ТЎППОНЧА ВА...

«Тошкент» автошоҳбекати. Одатдагидек, Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси милиционери, милиция катта сержанти Шуҳрат Раимов автовокзал атрофида хизмат вазифасини бажармоқда эди.

Уйларига шошилаётган одамлар қатори бир корейс миллатига мансуб йигит Шуҳрат томон келаётиб, милиция ходимини кўрганида негадир йўлни четлаб ўтишга ҳаракат қилди. Бу милиция ходимида шубҳа уйғотди. Ш. Раимов уни тўхтатиб шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатишини сўради.

Йигит милиционерга ўз паспортини узатар экан, Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа шаҳрида яшаётган отаонасини кўриб қайтаётганини маълум қилиб, ўзи Қозоғистон Республикаси «Прямой путь» қўрғонида яшовчи Александр Те эканини айтади.

Сўнгра Шуҳрат Раимовнинг шубҳаси янада ортиб уни ўзи билан бирга жамоат тартибини сақлаш хонасига боришни илтимос қилади.

Қозоғистон фуқароси бу ерда гувоҳлар иштирокида кўрикдан ўтказилганда унинг чап қўлтиғидан ип билан боғланган, рақамлари ўчирилган «Макаров» тўппончаси ҳамда тўрт дона жанговор ўқ топилди.

Александр бу тўппончани унга тожикистонлик ўртоғи совға қилганини, аслида саккиз дона ўқи бўлиб, ўша ерда тўрт донасини отиб, синаб кўрганини баён қилди.

Шу тариқа милиция ходими Ш. Раимовнинг ўз хизмат вазифасига сергаклик ва виждонан қараётганлиги туфайли бир жиноятчи фош этилди.

Айни пайтда ушбу факт юзасидан тергов ҳаракатлари ниҳоясига етди.

Энди суд ҳукмни ўқийди.

***

Худди шу жойда шаҳар миқёсида ўтказилган «Тўсиқ» тадбирида қатнашаётган Юнусобод тумани ИИБ милиционери, милиция сержанти Турғун Собиров Қозоғистон Республикасининг Славянка қўрғонилик Г. Алексеевдан шубҳаланиб уни тўхтатганида унинг ёнидан ўткир тўқ жигар рангли нарса чиқди.

У экспертизадан ўтказилганда 26,9 грамм «опий» гиёҳванд моддаси эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан айни пайтда Чилонзор тумани ИИБда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳайратланарлиси шундаки, фуқаро Г. Алексеев Жамбул шаҳрида шартли муддатли озодликдан маҳрум этилган экан.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ,
журналист.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ЧОРА КЎРИЛАДИМИ, ЙЎҚМИ?

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш соҳасида муайян ишлар қилинган, лекин бу ниҳоятда кам. Ишлаб чиқилган тадбирлар бугунги кун талаблари даражасида эмас.

Мисол учун иккита бўлимни: аспирантура ва девонхонани олайлик. Уларда ҳалигача иш юритиш рус тилида олиб борилади. Ҳаттоки, аспирантура бўлими бошлиғи Л. И. Шарибжонова иккиланмасдан «Пока я здесь, вся документация будет на русском языке», деб айтади. Давлат тилида гапирсангиз жеркиб ташлайди, ўз билганидан қолмасдан ҳужжатларни, маълумотномаларни рус тилида ёзади. Бу масала яқинда университет тил комиссияси мажлисида ҳам муҳокама этилди, қаттиқ танқид қилинди, лекин чора кўрилмади.

Чамаси, СамДУда Қонун ижроси шу аҳволдалиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти, шекилли?

К. ХЎЖАЕВ,
А. МАМАТОВ,
СамДУ ходимлари.

ГАПДА ЖОН БОР

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 12 апрель сонида эълон қилинган телевидение экранларида намойиш қилинаётган кўп серияли фильмлар ҳақида сўз юритган фарғоналик муштарийлар гапида жон бор. Ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинаётган «Морена Клара» телесериалидан, ростини айтадиган бўлсак, кўпчилик чарчади. Қолаверса, баъзи бир тасвирлар бизнинг шарқона одобимизга ҳам тўғри келмаяпти. Боз устига телесериални кузатиб бораётганларнинг аксарияти мактаб ёшидаги болалар эканлигини ҳам унутиб қўймаслигимиз лозим. Ҳатто телесериалнинг кундуз кунлари намойишини кўриш учун ўқувчилар дарс қолдиришади. Қолаверса, ойнаи жаҳон ҳафталик дастурини тузиш вақтида фильмни намойиш қилиш вақтини ҳам обдон ўйлаб кўрсалар тузук бўларди. Бу кўпчилик дилидаги ўринли гаплардир.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Чироқчи туманидаги 100-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЗАРАРГА ИШЛАШ КИМГА КЕРАК?

Тошкентнинг «Беруний» мавзесини кўпчилик яхши билади. Худди шу ердан «Фаробий» шоҳ кўчаси ўтган. Унинг «Беруний» билан «Мирзо Ғолиб» кўчаларини туташтирувчи қисмини ўзига хос транспорт боғланмаси дейиш мумкин. Худди шу жойда мазкур йилнинг февраль ойида иссиқ сув қувурларини тузатиш мақсадида (ҳали иситиш тармоқлари иши тўхтатилмай) қазиш ишлари бошлаб юборилган эди. Лекин таъмирлаш ишлари ниҳоятда суст бораётганидан бу 300 метр масофадаги иш ҳали-ҳануз тугатилгани йўқ.

Шундай экан савол туғилади: бу режасиз бошланган таъмирлашдан кимга қанча зарар етяпти? Шу ердан қатнайдиган 88, 31, 116-маршрутли автобуслар талабалар шаҳарчаси орқали айланиб ўтишида сарф этилаётган ортиқча харажатлар кимнинг зиммасига тушяпти? Йўловчиларга етказилаётган зиёнчи?

Аслини олганда, бу ерда «Тоштрансмахсусқурилиш» акционерлик жамиятининг 5-қурилиш бошқармаси ишни бошлаб, сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, шу жойда кўп қаватли бинолар қурилиши бораётганлиги муносабати билан бир йўла ер ости қувурларини ҳам таъмирлаш мақсадида шундай қилинган.

Тўғри, йўл ости иссиқ сув қувурларини тузатишга киришилгани яхши. Лекин уни бошлашдан олдин қурилиш технологияси ҳисобга олиниб, мавжуд имкониятдан оқилона фойдаланилганда таъмирлаш ишлари ўз вақтида тугатилган, кўпчиликнинг вақти бой берилмаган бўлар эди.

Афтидан, шаҳримиз ободонлиги ва қурилиши учун масъул ташкилотлар бу хусусда ўйлашга фурсат тополмаётган кўринадилар. Вақт зиқ, иш кўп. Буни тушунамиз. Лекин яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ишни пухта қилмай, зиёнга ишлаш, бошқача айтганда қош қўяман деб, кўз чиқариш ҳам инсофдан эмас.

Улуғбек ҚОЗОҚОВ.

ДУОЛАРИМ ЕТИБ БОРСА...

Бир юмуш билан Андижон томонларга йўлим тушувди. Иссиқ жон эмасми, бирдан юрагим хасталаниб қолса бўладими. Танишларимиз Андижон туман марказий касалхонасига олиб боришди. Хаёлимда «қабул қилишмаса нима бўлади, шу аҳволда Тошкентга етиб олармиканман» деган ташвиш. Йўқ, ўйлаганларим тескари бўлиб чиқди. Қайтанга: меҳмон эканлар, шаҳри азим Тошкентдан келибдилар-у дея руҳимни кўтаришди. Бир ой касалхонада ётдим. Ҳар куни бош врачдан тортиб, оддий ҳамширагача хабар олиб туришди. Дунёда яхши одамлар кўплигидан кўнглим тоғдай кўтарилиб, отдек бўлиб уйимга ўз оёғим билан кириб келдим.

Ҳурматли таҳририят! Менга кўрсатган саховатпешаликлари ва одамгарчиликлари учун бош врач Насриддинов, бўлим мудири Ниёзов, врач Усмонов ва бошқа ҳамшираларга раҳматлар айтиб, қўлингиз дард кўрмасин демоқчиман.

Маҳмуджон ИСЛОМОВ,
Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Шамсия кўча, 44-уйда яшовчи пенсионер.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Алишер РЎЗИЕВ саралади.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Сирдарё вилоят прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Фаҳри РАҲИМОВ билан суҳбат

— Фаҳри Ҳайдарович, инсон манфаатлари йили ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари фаолиятига қандай муҳим тузатишлар киритмоқда?

— Бундай тузатишлар оз эмас. Республикамиз Президенти томонидан мазкур йилнинг Инсон манфаатлари йили деб эълон этилиши — ишларимизда жиддий ўзгаришлар қилишга ундамоқда. Шу йўлдаги кўзланаётган мақсадларнинг бири — одамлар билан яқинлашув чораларини излаётганимиздадир. Токи ўз фуқароларимиз бизларга фақат адолат йўлида суянсинлар.

— Фуқаролар билан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасидаги ишонч борасида сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланаётирми?

— Агар ўзгаришлар сезилмаётганида, бу ҳақда гапиришни эртароқ деб билган бўлар эдик. Сўнгги пайтларда ҳуқуқ-тартибот, хусусан прокуратура идораларига бўлган ишонч ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб ўтса арзийди.

Мана шу ўринда баъзи мисолларга эътибор қилайлик. Ўтган йил давомида вилоят прокуратура идораларига аҳолидан 1164 та турли мазмундаги хатлар, ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларда билдирилаётган дард ва ташвишлар, муаммолар ҳам турлича. Хатлар, ариза ва шикоятларга диққат билан ёндашсак, одамларимиз ҳамон аввало ҳуқуқ-тартибот идораларидаги баъзи адолатсизликлар, баъзи зўравон раҳбарлар, порахўр банк ходимларию-таъмагир шифокорлар, қўпол алоқачилару меъёрни унутган таднни ташкил этади.

Шанба кундан буён яна бир неча марта 5,5 балла ер силкинган.

* * *

Данияда Германия, Дания ва Польша мудофаа вазирларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Эстония, Латвия, Литва мудофаа вазирлари ҳам меҳмон сифатида иштирок этди.

* * *

Эроннинг шимоли шарқида шанба куни 7,1 балла бўлиб ўтган ер силкиниши натижасида ҳалок бўлганлар сонига аниқлик киритилди. Табиий офат 2400 кишини ҳаётдан олиб кетди. 6 мингдан ортиқ кишига жароҳат етган. 200 дан ортиқ турар-жойлар вайрон бўлган. Кўрилган моддий зарар 150 миллион доллар-ни ташкил этади.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

* * *

Бурятия пойтахтидан 60 километр четда ҳақиқий ўқ- дори, ҳарбий қуроллар омбори топилди. 3 гектар майдонни эгаллаган бу омбор иккинчи жаҳон урушидан «ёдгорлик» экан.

* * *

«Владивосток» ва «Иван Москвитин» музёрар кемалари Приморье ўлкасида ўтказилган кимощди савдосида 11 миллиард 580 миллион рублга сотилди.

* * *

Америка махсус хизмат ходимлари Вашингтондаги Исроил қароргоҳи ва унинг Тель-Авивдаги раҳбари билан бўлган махфий радио алоқани фош этдилар.

* * *

Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбург аэропортида улкан ҳаво кемаси қурилмоқда.

* * *

АҚШ илгаригидек ҳарбий харажатлар учун бошқа мамлакатларга нисбатан кўп маблағ ажратмоқда. Клинтон маъмурияти 1997 молия йилида мудофаа бюджети учун 259,4 миллиард доллар ажратди.

* * *

Шаҳзода Чарльз Манчестерда машҳур Британия поп-гуруҳи «Спайс гёрлз» қатнашчилари билан учрашди.

лар, адолатсизликлар пайдо бўлади. Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ишлари устидан азият чекиб ёзганлар арзномаси кўпчиликни ташкил этади. Бундай кишилар сони 48 тага етган. Маошлар, нафақаларни вақтида ололмаётганлардан шикоятлар ҳам оз эмас. Лекин бу хилдаги шикоятлар ҳозир бўйнига қўйиш учун бечора аёлни етти марта сўроқ қиладилар, турли тазйиқлар ўтказадилар ва ҳоказо. С.Мирзараҳимованинг шикояти юзасидан атрофлича текширув ўтказилганида унга қўйилган айблар асоссиз бўлиб чиқди. Бу ишни олиб борган прокуратура терговчилари ҳам, бошқа масъул кишилар ҳам тегишли жавобгарликка тортилдилар.

— Сизнингча, одамларни бугунги кунларда яна қандай муаммолар кўпроқ безовта қилмоқда?

— Ҳаётий тажрибалар шуларни кўрсатмоқдаки, қаерда раҳбар ношуд, одамлар ташвишига бефарқ бўлса, ўша ерда тартиб-интизом бузилади, охир-оқибатда шикоятлар, юқори идораларга ёзишлар пайдо бўлади. Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ишлари устидан азият чекиб ёзганлар арзномаси кўпчиликни ташкил этади. Бундай кишилар сони 48 тага етган. Маошлар, нафақаларни вақтида ололмаётганлардан шикоятлар ҳам оз эмас. Лекин бу хилдаги шикоятлар ҳозир деярли барҳам топди. Чунки вилоятимизга янги раҳбар тайинланиши муносабати билан бу соҳада катта ишлар қилинмоқда. 150 га яқин савдо дўконлари, шу жумладан 10 га яқин фирма дўконлари очилди, кимошди савдолари ўтказилмоқда. Вилоятда пул эмиссияси икки-икки ярим баробар қисқартирилди. Маошлар, нафақалар вақтида бериладиган бўлди. Оқибатда шикоятга ҳам ўрин қолмаётир. Демак, ҳар қандай иш, у ёки бу муаммонинг ечими энг аввало масъул шахсларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари ҳам бундан тегишли хулосалар чиқармоқдалар ва ўз ишларига тегишли ўзгартишлар киритмоқдалар.

Ҳуқуқий демократик жамият сари

— Вилоят прокуратурасида омма билан алоқа қилишнинг яна бошқа, янгича йўллари ҳам қидирилмоқдами?

— Шу йилнинг бошида 50 га яқин тарбияси оғир, безорилик йўлига киришга мойиллиги бўлган балоғатга етмаган ёшларни автобусда тергов ҳибсхонасига олиб бордик. Улар у ердаги аҳволни кўрдилар, жиноят курсисига ўтириб қолганларнинг суд жараёнида қатнашдилар, уларнинг сўзларини ўз қулоқлари билан эшитдилар. Боришда шўхлик қилиб, автобусга сиғмай кетган болаларнинг қайтишдаги аҳволини кўрсангиз. Барисининг боши эгилган, баъзиларининг кўзларида ёш. Келгунча чурқ этишмади. Бу учрашув ларнинг бир умр ёдларидан чиқмаса керак.

Ўтган йили вилоят прокуратурасига келган мингдан ортиқ хатлардан 309 таси ёки жами мактубларнинг 26,6 фоизи мазмун жиҳатидан маъмурий идораларга алоқаси бўлмаган номалардир. Биз уларни тегишли бошқа ташкилотларга жўнатишга мажбур бўлдик. Бу эса ҳали кўпчиликнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги, ҳуқуқий билими етарли эмаслигидан далолат беради. Ўз навбатида одамлар ҳам бизга ишонадиган, ўз дардларини кўпроқ бизларга айтадиган бўлиб қолдилар.

Суҳбатдош: Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ИТАЛИЯ МАНЗАРАЛАРИ.

Венециянинг марказий майдони Сан-Маркода қўзғолончилар қадимий ва овозаси жаҳонни тутган қўнғироқни қўлга олдилар. Тунда битта броневик ва 8 нафар қўзғолончи ёрдамида амалга оширилган бу «операция» иштирокчилари кучли электрон овоз кучайтиргичлар ёрдамида радио эфир орқали «Сан-Марко майдонини озод этганликлари» ҳақида хабар тарқатдилар. Италия ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари қўзғолончиларни битта ҳам ўқ отмасдан, қурбонларсиз, кўздан ёш оқизувчи газ воситасида қуролсизлантирдилар. Қўзғолончилар Верона ва Падуя шаҳарларининг фуқаролари экан. Уларнинг ҳаммасида битта тўппонча ва 8 та ўқ бўлган. Қўзғолончиларнинг ҳар бири мағрур ҳолда ўзини «Венеция республикасининг мудофаачиси» дея атади.

Шу куни кечкурун радио тўлқинларида ўзларини «Венеция озодлик армиясининг аскарлари» дея атаган бир гуруҳ кишилар баёнот бериб, «Италия истилочиларининг зулмига зўравонлик билан жавоб қайтаришларини» айтдилар. «Биз шундай қиламизки, — дейилди радио тўлқинларида, — италияликлар ҳеч қачон венецияликларнинг ҳуқуқларини поймол этишни истамай қоладилар». Улар ҳибсга олинганларни қўйиб юбориш учун ҳукумат ташкилотларига 48 соат вақт бердилар.

Бу ҳодиса ҳукуматни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Гап шундаки, бу йил кўпгина венецияликлар Венеция республикаси мустақилликни қўлдан бой берганига 200 йил тўлишини кенг миқёсда нишонлаш тараддудида юрибди. Маълумки, Напалеон Венеция республикасини 1797 йилда Австрияга берган, 1866 йилда эса Венеция Италия бирлашган қиролликлари таркибига кирган эди.

Сан-Маркодаги воқеа бу борадаги шундай воқеаларнинг биринчиси эмас. Унгача ҳам қўзғолончилар давлат телевидениеси тўлқинларига ёриб кириб, озодлик йўлида курашга отланажакларини бир неча бор маълум қилганлар. Мустақиллик, мухторият тарафдорларининг асосий мақсади — Венеция тарихи ва маданиятини тиклашдир. Тарихдан биламизки, Венеция қадимда дунёнинг энг йирик маданий марказларидан, Европа уйғониш даври ўчоқларидан бири бўлган. «Икки юз йиллик чет эл истилочилиги даврида Венеция маданияти таназзулга юз тутди», — дея ҳисоблайди қўзғолончилар. Уларнинг назарида, Венето вилояти Европага тегишли эмиш.

Ҳибсга олинганлар ўзларини сиёсий маҳбус дея атаб, терговчиларнинг саволларига жавоб беришдан бош тортмоқдалар.

Нима бўлганда ҳам Сан-Марко майдонидаги ҳодиса мамлакатнинг шимолий вилоятларидаги аҳоли норозилигини ифодалайди.

Салим АШУРОВ.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ҚЎНҒИРОҚ БОНГ УРАДИ

ВЕРОНИКА СИЁСАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ

«Бойлар ҳам йиғлайди» номли фильм орқали томошабинларга яхши таниш бўлган мексикалик санъаткор — Вероника Кастро мухлислар кўнглини қолдирадиган бўлди. Яқинда журналистларга интервью бера туриб, машҳур киноюлдуз энди сиёсат билан шуғулланишни режалаштираётганини айтди.

Вероникaнинг таъкидлашича, у асли халқаро муносабатлар бўйича олий ўқув юртини тамомлаган ва сиёсат майдонида ўз ўрнини топа олишига ишончи комил. Бундан ташқари, Вероника сиёсатга жуда қаттиқ кўнгил қўйганини ҳам айтиб, унинг учун «Янги соҳада фаолият бошлаш ўз-ўзини қурбон қилиш эмас»лигини маълум қилди. Шундай бўлсада мексикалик мухлислар Вероникaнинг гапларини «шунчаки ҳазил»га йўйиб, унинг фақат санъаткор бўлиб қолажагига умид қилмоқда.

Узбекистон ва жаҳон

ҚАЙСИ ТИЛДА ГАПИРГАН ЯХШИ?

Илона Эмилиянинг на миллати, на ватани муқим. Тайини қизалоқнинг ёши-тўрт ойлик. Илона туғма иқтидорли. Чунки қизалоқ ҳалидан имо-ишора орқали «гаплашади».

Отаси фин, шунинг учун унга фин тилида «сўзлайди». Онаси хитойлик. Табиий, қизини хитой тилида эркалайди. Бу гўдакнинг қулоғига ўрнашиб қолади. Илонанинг ота-онаси ҳозир Эстониянинг Тарту шаҳридаги олий ўқув юртида таҳсил олишяпти. Эр-хотин ўзаро инглизча тиллашади. Турган гап улар эстон тилида ҳам сўзлашишади.

Яқинда Илона Эмилиянинг тили чиқади. Илк бора Ота ё Она сўзини айтади. Қизиқ, қизалоқ қайси тилда гапираркин?

Мутахассислар эса бундай ҳолатда ҳар қандай гўдак анча ёшгача «соқов» бўлиб қолиши мумкин, деган фаразларни айтишяпти.

Ҳур Ўзбекистоннинг ёш авлоди олдига хорижий мамлакатларга бориб ўқиш имкониятининг вужудга келиши келажаги буюк бўлган мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий юксалишида муҳим ўрин эгаллайди. Хорижий мамлакатлар ўқув юртларида билимларни қунт билан эгаллаш ёшларимиздан катта матонат талаб этади. Шунинг учун ҳам ўқувчи-ёшларимиз хориж сафаридан аввал ўз соҳалари бўйича тест синовларидан ўтказиладилар.

Республика «Умид» жамғармасининг ташкил этилганлиги ёшларимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Худди шу аснода Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги республика иқтисодиёт лицейи бир гуруҳ ўқувчиларининг энг тараққий қилган мамлакатлардан бири — Англияга бориб, у ердаги халқаро марказда бир ой ўқиб қайтишлари ўқувчилар фаолиятида ўчмас из қолдирди. Бизни Лондонда илиқ қарши олишди ҳамда биз яшайдиган ва ўқийдиган шаҳар Свонаж шаҳрига олиб келишди. Свонаж диққатга сазовор тарихий шаҳарлардан бири бўлиб, унга хорижий сайёҳлар ташриф буюришади. Инглиз тилини ўрганиш жаҳон ўқув марказининг мутахассислари бизни Свонаж шаҳри хонадонларига жойлаштиришди. Биз билан борган ҳар бир ўқувчи алоҳида-алоҳида хонадонларда истиқомат қила бошлади. Бундан кўзда тутилган мақсад-хонадонда яшовчи меҳмон уй эгалари билан фақатгина инглиз тилида мулоқот қилиши кўзда тутилган эди.

Ўқувчиларимиз 4 ҳафта давомида ўқув марказида инглиз тилини янада чуқурроқ ўрганишди. Бу ердаги ўқув жараёни жаҳондаги энг илғор андозаларга мос келади. Ёшларимиз нафақат мезбонлар билан инглиз тилида жонли мулоқотга киришишди, балки ўзаро инглиз тилида бемалол сўзлаша бошладилар.

Ўқувчиларимиз машғулотлардан бўш пайтларида Англиянинг тарихий ёдгорликлари, музейларини бориб кўрдилар. Шунингдек, инглизларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи билан яқиндан танишдилар. Бизда энг аввало инглизларнинг ўз турар жойлари, ҳовлилари, эшик олди ва кўчаларни озода тутишлари ҳамда ўзаро хушмуомалаликлари жуда катта таассурот қолдирди. Улар, айниқса, хорижликларга жуда катта эътибор бериб, ҳар бир дақиқада меҳмонларга ёрдам беришга тайёр эканлар.

Лондон шаҳрига қилган саёҳатимиз жуда эсда қоларли бўлди. Чунки, шу кунгача биз Лондонни фақатгина дарсликлар орқали билган бўлсак, энди ҳақиқий Лондонни кашф этдик. Биз дарслик ва бадиий адабиётда ўқиган қиролича Елизавета II нинг қароргоҳи, машҳур Темза дарёси ва унинг кўприклари, транспорт, одамлар билан гавжум ва сершовқин кўчалари, Лондоннинг машҳур метроси, Стейтжемс ва Гайт парклари ҳақиқатан ҳам гўзал экан. Айниқса, икки қаватли автобусларни ўз кўзимиз билан кўриб жуда — жуда ҳайратландик.

Яна шуниси қувончлики, биз қаерда бўлмайлик, инглизлар Ўзбекистонга, ўзбек халқи ва унинг урф-одатларига жуда катта қизиқиш билан қараб, ўқувчиларимиздан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишга, ўқувчилар фақатгина инглиз тилида мулоқотга киришиб, тил бойликларини оширишга ҳаракат қилдилар.

Жуда сермазмун, серзавқ ўтган бир ойлик сафаримизнинг охирида ўқувчиларимиз халқаро марказда олган билимлари юзасидан синовдан ўтказилдилар. Натижалар эса ёмон бўлмади. Барча вакилларимиз сертификат (гувоҳномалар) билан тақдирландилар. Ўқувчилар орасида ўтказилган халқаро спорт мусобақаларида — футбол, стол тенниси ва бильярд бўйича биринчи ўринларни олиб, совғаларга сазовор бўлдилар.

Ниҳоят, жонажон мамлакатимиз Ўзбекистонга, она шаҳримиз Тошкентга етиб келдик. Хорижда юриб, биз она-Ватанимизга бўлган муҳаббатимиз нақадар юксак эканлигини ҳис этдик. Ўзга мамлакат, ўзга юрт ва унинг одамлари нақадар ажойиб бўлмасин, барибир ўз диёринг азизу мукаррам экан, кишига.

Республика иқтисодиёт лицейи мана олти йилдан бери фаолият кўрсатяпти. Лицей иқтисодиёт ва умумий фанлар билан бир қаторда инглиз тилини ўқитишга ҳам катта эътибор бермоқда. Ўқитувчилар махсус дастур бўйича таълим берадилар. Баъзи ўқитувчилар дарсларда компьютерда бажариладиган машқларни қўллайдилар. Кўп хоналарда телевизор ва видеомагнитофон, магнитофонларда дарс ўтказилади. Лицейда иқтисодий дарсларни инглиз тилида ўтиш қўлланиляпти.

Хуллас, лицей жамоаси бундан буён ҳам ёшларга замонавий билимлар бериш, уларга хорижий тилларни ўргатиш йўлида янги-янги усуллардан фойдаланаверади.

Обида ЁҚУБОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт лицейи ўқитувчиси.

Ўзга мамлакат яхши, лекин ўз юртинг азизу мукаррам



ШАРШАРА.

Абдусами РАҲМОНОВ олган сурат.

НУРЛАНИШДАН КЕЙИНГИ БОЛАЛАР

Маълум бўлишича, АЭСларда нурланган аёл ёки эркаклар оиласида қизлар туғилиши камайиб, ўғил болалар туғилиши эса кўпаяркан. Англиянинг «Селлафилд» атом марказида кузатиш ишларини олиб борган олимлар тадқиқот натижаларига кўра шундай хулосага келдилар.

Атом марказида содир бўлган кичик ҳалокат туфайли радиоактив газ чиқиши оқибатида эркак хизматчилар нурланган эди. Уларнинг кейинги ҳаёти кузатилгач, шу нарса аниқландики, оилаларда 202 нафар ўғил туғилган бўлса, 143 нафар қиз туғилган. Қисқаси, тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, нурланиш Х-хромосомага салбий таъсир ўтказаркан.

«ТЕКИН БЎЛСА, МИХНИ ЮТ» ЭКАН-ДА!

Пиводан сўнг чекиш зарарлими? Тавба, саволни қаранг, бемаънилигини. Унинг бемаънилиги шундаки, умуман чекишнинг ўзи зарарлику! Пиводан кейин чекди нима-ю, чойдан кейин чекди нима? Барибир зарар. Бироқ ҳозирги кунда юқоридаги саволни буюк британияликлар ўртага ташлашмоқда.

Пиводан сўнг чекиш зарарлими, йўқми ҳозирча ҳеч ким билмайди. Ҳатто Буюк Британия тиббиёт фанлари кенгаши ҳам бу савол олдида ожизлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам кенгаш мазкур иш юзасидан тажриба ўтказмоқчи. Тажрибада қатнашишни хоҳловчилар учун оммавий ахборот воситаларида эълон ҳам беришди. Унда айтилишича, тажриба 2 ой давом этиши, шу 2 ой давомида тажрибада қатнашувчиларга ҳар куни текинга пиво, сигарет ҳамда ҳақ тўланадиган таътил берилади. Буни қарангки, Лондондаги мазкур тажриба ташкилотчиси — тиббиёт фанлари кенгаши биноси олдида хоҳловчилар навбати шунақанги кўпайиб кетдики, охири кўринмайди. Ҳа, «Текин бўлса, михни ют» деган гап бежиз айтилмаган экан-да.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 15-may, payshanba № 56 (22.140).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ХАЛҚ ҚАЛБИДА ҚОЛДИ

Ўз илми, қалами, қалби билан фанда ҳам, адабиётда ҳам мактаб яратган, адабий муҳитга бош-қош бўлиб, унга бутун вужудини, ақлу шуурини, камолоту саодатини бағишлаган, элнинг назарига тушиб, халқининг дуосини олган етук олим, беназир инсон, моҳир сарвар, хуштаъб шоир, истеъдодли нотиқ, яхшилик жарчиси, инсонпарвар, камтарин, меҳрибон мураббий, олим, шоир ва академик Воҳид Абдуллаев 1919 йил Самарқанд шаҳрининг Даҳбед гузарида туғилди. Воҳид Абдуллаев оиланинг тўнғич фарзанди эди.

Воҳиджон дастлабки маълумотни Самарқанддаги «Шарбатдор» масжиди ёнидаги эски мактабда, кейинчалик Исматулло Раҳматуллаев ташкил этган Алишер Навоий номидаги 10-мактабда олган. Бу вақтда оила Галаосиё (Галатегирмон) қишлоғида яшаб, ўсмир Воҳид у ердан шаҳарга эшакда қатнаб ўқир эди.

Мактабдан қайтган пайтларда ёш Воҳид ва унинг ўртоғи Карим бошлиқ қишлоқ болалари қаердандир эчки ёки қўй калласини топиб келиб, қишлоқнинг шимол томонидаги Чўпонота тепалигига чиқиб эшак кўпкари ўйинини ўтказишар, тенгқур болакайлар уларга эргашиб, Кўҳакка чиқиб уларнинг ўйинини томоша қилар эдилар.

Ёш Воҳид 10-мактабнинг 7-синфини битиргач, 1927-1930 йилларда Файзулла Хўжаев номидаги таълим-тарбия билимгоҳида таҳсил кўрди. 1932 йили Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона педагогика олий билимгоҳининг ижтимоий-адабий бўлимини битирди. Ўқиш билан бирга ишчилар факультетида ишлади. Кейинчалик СамДУга ишга келди. Ундан сўнг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқишни давом эттирди.

1936 йилда оила бошлиғи Абдуллажон ака вафот этгач, 7 нафар сағир ука-сингиллар Воҳиднинг қарамоғида қолди. Шундай вазиятда у Бухоро пединститутида аввал ўқитувчи, сўнг кафедра мудири бўлиб ишлаб, каттакон оилани тебратиб туришга мажбур бўлди. 1938 йилда Самарқанд ўқитувчилар малакасини ошириш институти, кейин педагогика институтида ишлади. 1941 йил 31 майда Самарқанд университети илмий кенгашида «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади.

Университетнинг ўша вақтдаги ректори Азиз Валиев сўзга чиқиб, «Воҳиджон, сиз Алишер Навоий буюк номини оқлаб бердингиз. Уни шу пайтга қадар реакцион шахс деб қоралаб келдилар. Энди университетимизни Алишер Навоий номи билан аташга кенг йўл очилди», — деб хитоб қилганида залда гулдирос қарсаклар янграб кетди. Ректорнинг ана шу таклифи туртки бўлдию, университет Алишер Навоий номи билан аталадиган бўлди.

Воҳид Абдуллаев устоз Садриддин Айний маслаҳати билан қирқинчи йилларда танланган «XVII-XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти» мавзуидаги докторлик диссертациясини Боку шаҳрида ёқлади.

1963 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига, 1966 йили ФАнинг ҳақиқий аъзолигига сайланди.

1963 — 70 йиллар Самарқанд Давлат университетида ректор, 1944 йилдан умрининг охири — 1985 йилгача 41 йил давомида узлуксиз кафедра мудири бўлиб ишлаб, кўплаб фан номзодлари, фан докторларини етиштириб чиқарди.

Академик олим ва шоир Воҳид Абдуллаев қатор-қатор давлат мукофотларининг соҳиби бўлди. 6 нафар фарзандни вояга етказиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларига хизматга жўнатди.

Олимнинг салмоқли илмий ва ижодий ишлари жаҳон алломатлари томонидан тан олиниб, унинг ишларига юксак баҳо берилган. Масалан, йирик шарқшунос олим, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. Э. Бертельс Воҳид Абдуллаев ҳақида шундай ёзади: «Қимматли Воҳид! Сизнинг улкан ишингизни ўқиб чиқдим. Бу ишнинг ҳар бир сатри шундан далолат бериб турибдики, унинг муаллифи ишни пухта қурадиган, омилкор тадқиқотчидир».

Озарбойжонлик йирик олим, академик Ф. Қосимзода ўзбек олимининг илмий-тадқиқот ишларини шундай баҳолаган эди: «Воҳид Абдуллаев адабиёт олами учун тасодифий шахс эмас. Ўзбек адабиёти тарихи соҳасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилган тажрибали, ҳар тарафлама инкишоф ўлмиш чуқур маълумотга молик, эрудицияли бир олимдир».

Воҳид Абдуллаевнинг 85 ёшга тўлиши муносабати билан бу кун Ўзбекистонда катта илмий - бадиий тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида «Адабиёт илмининг алломаси» китоби босмадан чиқди.

Самарқандда Ватанимиз адабиётшунослигининг йирик алломаси, маънавият ва маърифат қўйчиси, дилбар шоир, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Воҳид Абдуллаев таваллудининг 85 йиллигига бағишланган адабий - бадиий анжуман бўлиб ўтади.

Йирик устоз В. Абдуллаев қолдирган илмий-адабий мерос авлодлар учун туганмас манба бўлиб қолаверади.

Содиқ СУЛТОН.

Қўнғироқ

ҲУВАЙДО РУҲИНИ ШОД ҚИЛАЙЛИК

Юртимизда ўзбек мумтоз адабиётининг етук вакили шоир Ҳувайдо асарлари кириб бормаган хонадон кам бўлса керак. Ўтлуғ, машрабона шеърият соҳибининг ғазал ва рубоийлари шеърият мухлислари тилидан тушмайди. Шоирнинг Фарғона туманидаги Чимён қишлоғининг улкан боғида жойлашган мақбараси ҳамиша зиёратчилар билан тўла эди. Бироқ бугунги кунда шоир қабри атрофи ярми чала урилган девор билан ўралган. Мақбара атрофларидаги анчагина жой суриб текисланган. Мақбара атрофида бошланган катта қурилиш майдончаларида зоғ учмайди. Хўш, нима бўлди?

1993 йили Фарғона вилоят ҳокимлигининг қарорига биноан бу ерда Ҳувайдога бағишланган улкан, ҳашаматли ёдгорлик мажмуи қуриладиган бўлганди. Қарордан сўнг ёдгорлик қурилишига тайёргарлик бошланиб кетди. Банкда ёдгорлик мажмуи қурилиши учун махсус ҳисоб рақами очилди. Кўп сонли идора, корхона ва ташкилотлар, оддий фуқаролардан пул маблағлари туша бошлади. Ҳамма бу савобли ишга оз бўлсада ҳисса қўшишга шошарди. Ҳатто туман мактаблари ўқувчилари темир-терсак йиғиб уни топшириш ҳисобига йиғилган маблағни махсус ҳисоб рақамига ўтказдилар. 1996 йил сентябрь ойида бинонинг дастлабки ғишти қўйилди.

Бироқ бугунга келиб яхши ният билан бошланган мажмуа қурилиши деярли тўхтаб қолди. Лойиҳа бўйича қурилишга 90—100 миллион сўм атрофида маблағ сарфланиши зарур эди. Аммо кейинги 8-9 ой мобайнида 5 миллион сўмлик иш бажарилган, холос. Ҳисоб рақамидаги маблағнинг эса таги кўриниб қолган.

Юқорида айтганимиздек, она Ўзбекистонимизда Ҳувайдо ғазалларининг мухлислари кўп. Фақаттина ташкилотчилик яхши йўлга қўйилса, ҳомийларни топиш, уларнинг маблағларини жамлаб маълум мақсад сари йўналтириш кўнгилдагидек бўлса, мажмуа қурилиши жадаллашиб кетиши ҳеч гап эмас. Зеро, шеърсевар халқимиз ўзининг оташнафас шоири ёдгорлигини шу ҳолда ташлаб қўймаслиги аниқ. Ахир, Ҳувайдо ҳазратлари ҳам бир ғазалларида:

Бу Ҳувайдо гарчи осийдир худо даргоҳида,
Кўл очиб айланг дуо руҳимни сиз шафқат қилиб,

дея илтижо қилган эканлар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТЕЪДОД — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ



«Иймон бир ниҳолки, у доимо парваришни талаб қилади. Иймон — инсонни ҳайвонот оламидан ажратиб туради. Иймонсиз кимса на Оллоҳдан, на жамият қонунларидан қўрқади...» Баъзилар бу сўзларни ўқиб, «Иймонсиз Оллоҳдан ва бандасидан қўрқмаса, ботир бўлар экан-да?» деб янглиш фикрга бориши мумкин. Иймонсизнинг қўрқмаслиги ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган чақалоқнинг оловга қўрқмай қўл чўзишига ўхшайди. Шундай пайтда чақалоққа отаси, онаси, акаси ё опаси «Оловни ушлама, қўлинг куяди» деб имо-ишоралар билан тушунтиради. Ҳақ таолони, дўзах ва жаннатни, савоб ва гуноҳни билмайдиган иймонсиз одамлар ҳам дўзах оловидан чақалоқ каби қўрқмайдилар. Бу иймонсиз ёки иймони заиф ёши улуғ «чақалоқлар»га ўлганидан кейин қиёматда тирилиш ва қилмишларига жавоб бериш кераклигини ота, онаси вақтида тушунтирмаган.

«Мулоқот» журналининг янги, 3-сонида босилган «Иймон фалсафаси» мақоласини ўқиганимда кўнглимда шундай фикрлар уйғонди. Мақола муаллифи, фалсафа фанлари доктори Тўланбой Ортиқовнинг бу мақоласи одамни кўп нарсалар ҳақида ўйлантириб қўяди.

Журналнинг бу сонида ҳам туркистонлик буюк мутасаввиф аллома — шайх Абу Бакр Қаффоли Шоший (Ҳазрати Имом, халқ баъзан Хасти Имом, дейди) ҳаёти ҳақида атоқли олим Ботирхон Валихўжаевнинг янги тадқиқоти босилган. Мақола муаллифи кўпгина қизиқарли маълумотларни ҳикоя қилар экан, ишончли манбаларга, жумладан Хожа Аҳрор кутубхонасида сақланган, авлиёнинг севимли шогирди Муҳаммад Қозининг «Силсилатул-орифин» китобига суянади.

Тарих, фалсафа, тасаввуфни тадқиқ этувчи кўпчилик олимлар узоқ йиллардан буён бир хатога йўл қўйиб келишган. Яъни, Яссавия тариқати чўл ва саҳроларда яшовчи кўчманчи халқларга мос, Нақшбандия тариқати эса шаҳарлардаги маданиятли аҳолига мўлжалланган, деган фикр ҳукм суриб келади. «Мулоқот» журналининг бу сонида истеъдодли олим Бахтиёр Исабек «Яссавия ва Нақшбандия» мақоласида ана шу янглиш фикрни рад этувчи ишончли далилларни келтиради.

«Мулоқот»нинг янги сонида таниқли файласуф олим Қўчқор Хоназаровнинг «Тарих ғилдираклари қўзғалди» номли мақоласи босилган. Муаллиф бу ерда инсоният тараққиёти ҳақида теран ва дадил фикрларни ўртага ташлайди.

Қ. Хоназаровнинг фикрларига қўшилиш ёки эътироз билдириш мумкин. Чунки, инсоният ҳеч қачон ўз-ўзини йўқ қилишни хоҳламайди. Фақат айрим маданий қароқчи, зўравон, салбий жиҳатдан қудратли ваҳшийфеъл шахсларгина ўз фойдасини деб, бутун инсониятни қурбон қилишдан ҳам қайтмайдилар.

Журналнинг янги сонида босилган Тоҳир Қурбоновнинг «Камолот мезони», Бегмат Очиловнинг «Қишлоқни ривожлантиришнинг Ўзбекистон модели», Абдусалом Абдуқодировнинг «Инсоний етуклик сари», Турсунбой Султоновнинг «Истеъдод — жамият бойлиги», Маҳмуд Абдуллаев ва Орифжон Умаржоновнинг «Бозор маънавияти ва диний қадриятлар» каби мақолаларида ҳам бугунги ҳаётимизнинг муҳим муаммолари ҳақида фикр юритилади.

Соҳибқирон Амир Темур таваллуди халқаро байрам қилиниб, юбилей ўтган бўлса-да, биз бу қутлуғ сиймони ва у қурган буюк давлат тарихи, иқтисоди, темурийлар даври илм-фани ва санъати муаммоларини ўрганишни давом эттирамиз. Шу маънода атоқли тарихчи Мўъиниддин Натанзийнинг «Мунтаҳаб аттаворих» асаридан «Султон Ғозий (амир Темур) ва амир Ҳусайн»фасли (Азамат Зиё таржимасида, лотин ёзувида), санъатшунос Норсайид Ойдиновнинг «Беҳзоднинг нурли мўйқалами», Ҳ. Ҳомидийнинг «Камол Хўжандий», А. Абдуллаев, Ю. Валиқуловнинг «Хўжанд булбули» каби лавҳа ва мақолалари ўқувчида яхши таассурот уйғотади.

Журналнинг бу сонида ҳам асрлар давомида мадрасаларда шариат илми сифатида ўқитилган «Чор китоб» асарининг давоми босилган. Бу қисмда иймон рукнлари ва фарзлари баён қилинади.

Ҳамишагидай, «Мулоқот» дафинаси»да «Мамлакатлар, одамлар, одатлар» ҳақида ҳикоя қилинади.

Маҳкам МАҲМУД.

Спорт

ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР БАҲСИДА

Ўсмирларнинг биринчи от спорти ўйинлари келгуси йилда Москвада ўтадиган жаҳон ўсмирлар ўйинлари олдидан республикамиздаги от спорти билан шуғулланувчи ёшлар учун жиддий синов бўлди. Унда олти вилоят ва Тошкент шаҳридан чавандозлар иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти терма командаси мусобақанинг бош совринини қўлга киритиб, умумкоманда ҳисобида ғолиб чиқди. Мутахассисларнинг фикрича, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Тошкент ва Андижон вилоятлари спортчиларининг тайёргарлик даражаси анча ошган.

— Шахсий биринчилик якунлари ҳам бу вилоятларда от спортини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир, — деди республика от спорти федерацияси вице-президенти Равшан Саъдуллаев. — Тошкент вилоятидан Михаил Важинский, Андижондан Ҳуршид Олимжонов тўсиқлардан ўтишда зўр маҳорат кўрсатишди. Учкурашда биринчи ўринни олган сурхондарёлик Фурқат Мустарамов ҳам томошабинларни хурсанд қилди.

«ЁШЛИК» ГУЛЛАРГА БЕЗАНДИ

Талабалар шаҳарчасида ҳокимлик, ХДП шаҳарча кенгаши «Маҳалла» ва «Камолот» жамғармалари ташаббуси билан «Гуллар базми» танлови ўтказилди. Унда ТошДУ, ТошДТУ ҳамда II ТошДТИ талаба ёшлари тўрт босқич бўйича ўзаро беллашдилар. Танловда Тошкент Давлат университети талабалари асосий босқичларда ғолиб деб топилди ва биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин ТошДТУ ва II ТошДТИ ёшларига насиб этди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Қибрай туманидаги «Байтқўрғон», «МАЙ» ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда «Қибрай» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «СХИБ» (савдо-харид ижара бирлашмаси)

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Манзил: Қибрай тумани, Ҳамза кўчаси 2-уй.
Телефон: 63-245.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарияти ва республика авиаходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси «Бухоро» аэропорти директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими **Виктор Николаевич ПШЕНИЧНИКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ЎЗБЕК ТИЛИ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ УЧУН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-рақамли қарорида белгиланган тартибда ўзбек тили бўйича энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш учун республика танлови эълон қилинади.

1. Республика танлови учун республика ОЎМТВ томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари талабларига мувофиқ олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун ўзбек тили бўйича ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг қўлёзмалари тавсия этилади.

2. Дарслик ва ўқув қўлланмалари мазмунининг янгилиги, аниқ ва тушунарли тарзда бўлиши ҳамда замонавий маданият, маънавий қадриятларига, иқтисодиёт, фан, техника илмий ютуқларига зид бўлмаслиги керак;

3. Қуйидагилар дарслик ва ўқув қўлланмаларини республика кўригига тавсия этиш ҳуқуқига эга:

— қайси муассаса тасарруфида эканлигидан қатъи назар барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари;

— ЎзРФА илмий муассасалари, вазирликлар ва мукофотга тавсия этилаётган адабиётлардан фойдаланишда манфаатдор бўлган бошқа ташкилотлар;

— айрим олимлар, машҳур маданият арбоблари ва бошқалар.

4. Танловда муваффақиятли иштирок этган муаллифларга қуйидаги мукофотлар белгиланган:

1-ўринга — 12 минг сўм.
2-ўринга — 9 минг сўм.
3-ўринга —6 минг сўм.

5. Танлов учун келган дарслик ва ўқув қўлланмалари, уларга тегишли ҳужжатлар 15 июнгача қабул қилинади.

6. Танлов учун ҳужжатлар Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига тавсия этилади.

Манзилгоҳ: Тошкент ш. 700011, Пахтакор кўчаси 3-уй, 2-хона, тел: 41-15-73.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи М.ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА